



Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен туфайли бир кишини ҳидоят қилиши сен учун қизил туяларинг бўлишидан афзалдир

Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Хайбар куни: «Эртага мен бу байроқни шундай кишига бераманки, Аллоҳ унинг қўли билан фатҳ қилади, у Аллоҳни ва Унинг Расулини яхши кўради, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳам уни яхши кўради», дедилар. Одамлар тунни билан у кимга берилиши ҳақида баҳслашиб чиқишди. Тонг отгач барчалари Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига боришди. Ҳар ким унинг ўзига берилишини орзу қилар эди. У зот: «Али ибн Абу Толиб қани?» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг кўзлари оғрияпти», дейишди. «Унга одам юборинглар», дедилар. Уни етаклаб келишди. У зот унинг кўзларига туфлаб, ҳаққига дуо қилган эдилар, шу заҳоти тузалиб, худди оғримагандек бўлиб қолди. Сўнг У зот байроқни унга бердилар. Али: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз каби (мусулмон) бўлмагунларигача уларга қарши жанг қилайми?» деди. У зот шундай дедилар: «Уларнинг майдонига кириб боргунингча шошилмай боргин. Кейин уларни Исломга чақиргин. Уларнинг зиммасига Аллоҳнинг ҳақларидан нималар вожиб бўлишини айтгин. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сен туфайли бир кишини ҳидоят қилиши сен учун қизил туяларинг бўлишидан афзалдир».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга эртаси куни Хайбар яҳудийлари устидан мусулмонлар ғалаба қозониши ҳақида хабар бердилар. Бу ғалаба қўлига байроқ бериладиган бир кишининг қўлида содир бўлишини айтдилар. Бу кишининг сифатларидан бири — у Аллоҳ ва Расулини яхши кўради, Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўради. Саҳобалар шундай юксак шарафга эришиш иштиёқида байроқ кимга берилар экан деб тунни турли суҳбат ва мулоҳазалар билан ўтказдилар. Тонг отгач, уларнинг ҳар бири ушбу шарафга ноил бўлиш умидида Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига бордилар. Шунда Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи ва саллам Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуни сўрадилар. У кишининг кўзлари оғриб, бетоб бўлиб қолганликларини айтишди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам у кишига одам юбордилар ва Али разияллоҳу анҳуни олиб келдилар. Сўнг У зотнинг муборак тупукларидан Алининг кўзларига суртдилар ва ҳақларига дуо қилдилар. Шу заҳоти Али разияллоҳу анҳу гўё ҳеч қачон оғриқ кўрмагандек тузалиб кетдилар. Пайғамбаримиз у кишига байроқни топширдилар ва душман қалъасига яқинлашгунча хотиржамлик билан боришни, уларни Исломга

чақиришни буюрдилар. Агар қабул қилишса, уларга зиммаларидаги фарзлар ҳақида хабар беришини тайинладилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Алига Аллоҳга даъват қилишнинг фазилатини баён қилиб бердилар. Агар даъватчи биргина кишининг ҳидоят топишига сабабчи бўлса, бу у учун арабларнинг энг қимматбаҳо бойлиги ҳисобланган «қизил туялар»га эга бўлишдан ёки уларни садақа қилишдан ҳам яхшироқ эканини айтдилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3409>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

